Тошкент вилояти «ТУРОН» кут...


# Оила ва жамият

18 сон
13–19 май 1998 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни – 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси


## ҚОНУНЛАР — ҲАЁТГА

12 май куни Тошкентда Республика фаол хотин-қизларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Олий Мажлиси XI сессиясида қабул қилинган қонунлар моҳиятини ўрганиш ва уларни жойларда татбиқ этиш юзасидан вазифалар муҳокамасига бағишланган бу йиғилишда республика жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Тошкент вилояти ва пойтахт хотин-қизлар қўмиталари фаоллари қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова бошқарди ва кўрилган масала юзасидан нутқ сўзлади. Шунингдек йиғилишда Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Диний ишлар қўмитаси раиси Шарофиддин Мирмаҳмудов «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун моҳияти ва бу борадаги вазифалар ҳақида гапирди.

Анжуманда Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

*Ўз мухбиримиз.*



## ФАРЗАНДГА ИЛМУ ҲУНАР ЎРГАТИНГ

Бола етти ёшга етгач, уни илм олишга ва жоҳиллик ботқоғидан қутқаришга уринилади, агар унга илм ўргатишнинг иложи бўлмаса, бирорта яхши ҳунарга ўргатилади.

Агар сенинг молинг қанча кўп бўлса, уларни фарзандингнинг илм ва ҳунар олиши йўлида сарфла, чунки молу давлатга ишониб бўлмайди, ҳунар эса ҳеч қачон ўлмайди. Илм ва ҳунар ўрганмай ўтирувчи кишилар ҳақида олимлар учта сабаб борлигини айтадилар. Бундай кишилар ё зоҳид, ё танбал ёки такаббур кишилардир. Агар зоҳид бўлса, тез кунда таъна балосига гирифтор бўлади. Агар танбал бўлса гадолик кўйига тушади. Агар такаббур бўлса, ночорликдан охири ўғрилик йўлига киради. Кимки касбу корга эга бўлса бундай иллатлардан узоқда бўлади.

*Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий*

## Ушбу сонида


2-БЕТ: **ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ**

«Агар киши ўз қизини эрга берса-ю, у рози бўлмаса, никоҳ бекордир».

3-БЕТ: **ТАРБИЯ СОАТИ**

«Дунёда ҳамма нарсанинг ўз йўналиши бўлганидек, вақт деб аталмиш ҳукамонинг ҳам йўналиши аниқ».

4-БЕТ: **ЖАҲОНГИРНИНГ ОТА-БОБОЛАРИ**

«...Темир сандиқлар ланг очилиб, пуллар сочилиб ётибди. Қарасам, баъзи жангчилар қопчиғига пул соляпти. Мен ҳам олсаммикан, деган хаёл лип этиб ўтди».

5-БЕТ: **ВИСОЛ СИРЛАРИ**

«Севги туфайли кишиларнинг миясида турли касалликларга қарши ҳимоя воситаси вужудга келади...»

7-БЕТ: **НИМА ЭКСАНГ...**

«Бир куни эримда шубҳа пайдо бўлиб, ишдан кеч қайтишим сабабини қўймай суриштираверди».

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ

# ТАРБИЯ СОАТИ

## МЕҲНАТ БЕКАТИ

Болани бахтли қилиш йўллари ҳақида кўп гапирилган, лекин шу йўлларнинг энг яқини — меҳнат бекатидан ўтади. Донишмандлардан бири — меҳнат кишини уч фалокатдан қутқаради: фақирликдан, беморликдан, муҳтожликдан, — дейди.

Фарзандларимизга меҳнат қилишни ўргатишдан аввал ўзимиз меҳнат нима эканлигини билиб олишимиз лозим.

Меҳнат деганда бизнинг атрофимиздаги жами ашёларнинг ҳолатини ўзгартира оладиган муносабатимизни тушунмоқ керак. Биз бу ўзгартиришни эркин, кўтаринки руҳда амалга ошира олсак, меҳнат — қувончга, самараси — бахтга айланади, акс ҳолда меҳнат — машаққатга, самараси — нафратга айланади.

Машҳур тарбияшунос Ушинский Швейцариядаги Веттинг семинариясига ташрифи давомида бу ердаги 80 ўқувчининг барчаси турли мансабларга тайин этилганлигининг гувоҳи бўлади. Улар орасида дала қўмондонлари, ўт ўчирувчилар, хат ташувчилар ва котиблар ҳам бор эди. Баъзи ўқувчилар синф тозалигига жавоб берса, баъзилар чироқлар учун жавоб берарди. Бу ерда ўқувчилар ўзларига топширилган масъулиятдан бахтиёр эдилар.

Болани меҳнатга ўргатаётганда уни ўзимиз билан бирга меҳнат ичига олиб кирганимизни билмай қолсин. Ушбу вазифани бажариш жараёнида болага нисбатан бўлган ишонч алоҳида ажраб турмоғи керак.

Болалар катталарга тақлид қилишни севадилар. Уларнинг мана шу тақлидчилигидан унумли фойдаланмоқ лозим.

Агар биз меҳнат жараёнида ўзгаларни ишлатиб, ўзимизни четга олсак, билингки фарзандларимиз ҳам ана шундай айёрликка интиладилар. Агар биз оилада буйруқбозликка зўр берсак, фарзандларимиз ҳам каттасидан бошлаб, кичигига буйруқ берувчиларга айланадилар.

Ва бундай оилада ўсган фарзандлар умри давомида бирор ишни мустақил қила олмайдиган, ташаббуси маҳв этилган инсонларга айланадилар.

Агар биз ишлаганларга оилада турлича муносабатда бўлсак, улар келажакда хўжакўрсинга ишлайдиган, фақат текшириш комиссияси келганда жонбозлик кўрсатадиган шахсларга айланадилар. Агар биз ишлаётганларнинг камчилигини топишга уринсак, бизга тақлид қилаётган фарзандларимиз ўзгалар меҳнатига нописанд қарайдиган «текширувчи инспектор»ларга айланадилар.

Демак биз ўзимиз меҳнатдан роҳат топа олсак, фарзандларимизга ҳам «меҳнатнинг таги роҳат» деган нақлни мазмунан англатган бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда биз катталар ёшлар меҳнати жараёнида моҳир дирижёр бўлсак, оилаларимизда меҳнат симфониясининг бахтиёр садолари жаранглайди.



## ВАҚТ БЕКАТИ

Дунёда ҳамма нарсанинг ўз йўналиши бўлганидек, вақт деб аталмиш ҳукамонинг ҳам йўналиши аниқ: Ўтмишдан — бугунга, бугундан — келажакка Вақтнинг биринчи қисмини оталаримиз яхши ва фойдали сарф этаолганлар. Зеро уларнинг довруғлари дунёга достон бўлди. Энди навбат — бизларга. Биз ҳам келажакка нурли из билан бормоғимиз даркор. Чунки вақт — бизга берилган энг улуғ неъмат, бир ажиб имкониятким, бундан қандай фойдалана олишимизга қараб иқтидоримиз даражаси белгиланади. Вақтинг кетди — бахтинг кетди, дейишган зукко боболар. Бугунги катталар нафақат ўзимиз сарф этган вақт учун, ҳаттоки фарзандлар сарф этаётган вақт учун ҳам масъулмиз. Бу масъулликни бизга белимиздан кетаётган қувват, оқараётган сочларимиз, қилиб улгурмаган яхшиликларимиз дамбадам эслатиб турибди. Кеча ва кундуз деб аталмиш ўткир бир қайчи борким, бу қайчи вақтимизни беаёв қийиб, кичрайтириб бораяпти. Бизнинг бекор кетган вақтимиз учун кўкдаги юлдузлар кўз ёши бўлиб ерга тўкилса ҳам етмайди. Қизиғи, шундаки вақт ўтиши билан кўп воқеалар ўзгача маъно олади. Кўпларнинг асли ким эканлигини вақт кўрсатади. Жоҳил оқилга айланса, қотил — қурбонлиги маълум бўлади ва ҳаттоки кимларнинг ёмонликлари учун ололмаган жазосини вақт меъёрига етказади. Шунга айтишса керак-да — Вақт кўрсатади, — деб. Демак биз энг аввал фарзандларимизга вақтни режа билан сарф этишни, беҳуда кетказмаслик илмини ўргатишимиз керак.

Вақт биздан ҳисоб талаб қилмасидан аввал биз вақтни ҳисоблаб қўйишимиз керак.

Вақт билан ҳисоблаб топилган пулда ҳам барака бўлар экан. Дарҳақиқат, биз ўқитувчиларнинг олган маошимиз рўзғорга қандай етаётганидан кўплар ҳайрон бўлади. Аслида биз жадвал асосида, дарс соатимизга қараб маош оламиз ва уни режа билан сарфлаймиз.

Танаффус ҳам, дарс вақти ҳам ҳисобли. Мана шу ерда тарбиянинг вақт билан узвийлиги маълум бўлади: тарбия учун оз вақт ажратсангиз, тарбия самарали бўлмайди, кўп вақт ажратсангиз — тарбия меъёрдан ошиб кетади. Яна бир қизиқ ҳолат: тарбия вақтида берилса натижали бўлади. Демак тарбиялаш жараёнида вақтини билиб бошлаш ва етарли вақт сарфлаш асосий омил экан.

(Давоми бор)

## БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси, Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармаси ташаббуси билан 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ҳамкорликда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 53 йиллигига бағишланган катта байрам тадбири ўказди. Уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийларни институт ректори, профессор О. Даминов қизғин табриклади. Кўплаб жангчиларни ҳаётга қайтарган ветеран шифокор Муқаддам Ашрапова йиғилганларни байрам билан қутлади.

Ветеранларга республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармаси томонидан совғалар топширилди.

*Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ*

## ОНАМНИ ЭСЛАБ

Бундан олти йил муқаддам бир укамни уйлантираётганимизда мендан: «Ака, «бахт кеча»мизни видеога суратга олдириб беринг!» деб қолди. Мен рози бўлдиму, бироқ қалбимда алланечук оғриқ сездим. «...Санъат мухлисиман. Истаган ҳофизларимнинг қўшиқларини ёздириб олишим мумкин. Лекин... Нега онам тирик пайтида «эсдалик» учун онамнинг сўзларини, сиймоларини ёздириб олмадим экан? Шуни ўйлаб сира ўзимни кечира олмайман...

Бугун тушимга кирдингиз, онажон! Эҳ, онажон! Яхшиям бу дунёда туш деган нарсалар бор экан!

*Б. МУХТОРОВ*

# АЁЛ САОДАТИ

**Ибратли кишилар**

Алломаларнинг таъкидлашича, исм ҳам инсонга осмондан берилар экан. Лекин уни фарзандларига илинган ота-она кўнглида ҳам оламжаҳон яхши ниятлар бўлса, ажабмас. Масалан, қизига Санобар, деб ном қўйганлар, унга «уни қадим бир подшонинг исми билан атадим, яратган Эгамдан унга подшоҳона, эркакона ғайрат-шижоат, ризқ-насиба тиладим», дейишаркан.

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хўжакент қишлоғида қизлик даврларидан жамоат ишларида фаол иштирок этиб, қишлоқ аҳли учун талай қулайликлар яратган Санобар Парпиеванинг келажак тақдирини ота-онаси шундай тасаввур қилган бўлса керак. Лекин ўша ҳудудда барпо этилган учта ГЭС да, Чорвоқ сув омборида, шунингдек, Чорвоқ шаҳрини бунёд этиш ишларида қизининг шунчалик салмоқли ҳиссаси бўлишини балки ўйлашмагандир. Булардан ташқари, муҳташам чойхоналар, универмаг ва бошқа дўконларни қуриш дам олиш масканлари, жаҳон гуллари намуналаридан экиб, яратилган гулзор, Ёзувчилар Уюшмасининг дала ҳовлиси учун қулайликлар яратиш... Буларнинг барчаси фидойи бир аёлнинг ташаббуси ва югурибелишлари туфайли бўлди. Албатта, бунинг учун опанинг ўша пайтдаги нуфузли ва иқтисодий бақувват корхонаси — Ишчилар таъминоти бўлими ҳам сабабчи эди. Имкониятдаги маблағ — аҳоли-ҳаётини яхшилаш учун сарф этилди. Бунга унинг — гражданлик бурчи даъват этди. Ҳаммасининг натижаси ўлароқ, опа, ўз тоғлик халқининг раҳмат ва олқишини, ҳукуматнинг эса мукофот ва фахрий ёрлиқларини олди.

Ҳозирги кунда Санобар опа кексалик гаштини сураётган бўлса ҳам, Хўжакентдаги Нурчилар маҳалласининг 17-уйида, ўз хонадонида «Санобар» ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. Ниятлар катта: корхона савдо-сотиқ билан шуғулланиш билан бирга, ёшларга бичиш-тикиш курсларида касб сирларини ўргатади, ўрганганларга ҳужжат ҳам беради. Хорижий давлатлар билан савдо-сотиқ ишларида ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилади.

Санобар опанинг саодати — шугина эмас. У Клара, Зулхумор, Феруза, Иродахон, Бахтиёр, Дилшод сингари фарзандларнинг онаси, Нилуфар ва Дилафрўзхон сингари келинларнинг қайнонаси, шунингдек, йигирмадан ортиқ невара ва тўртта чеваранинг бувижониси.

Эл-юрт бахт-саодати, оила равнақи йўлида ҳалол, пок хизмат қилганларни Оллоҳ суяди. Яқинда у кўпчилик юртдошларимиз қатори Муборак ҳаж сафаридан қайтди. Ҳожиона бўлди. Эл-юрт қатори биз ҳам у кишини зиёрат қилдик. Опа дил сўзларини мана бундай изҳор қилдилар: «Биз ҳаж сафаридан бошимиз осмонга етиб қайтдик. Муқаддас масканда қилган ибодатларимизда чин дилдан юртимизга тинчлик-хотиржамлик, хайру баракот ҳамда Президентимизга сиҳат-саломатлик тиладик.

Илоҳим, ҳар бир мусулмонни Оллоҳ таоло ҳамиша тўғри йўлга бошласин. Яратган Эгамизнинг марҳамати ҳаммамизга насиб этсин»...

*Шукур ҚУРБОН*

# КИМ ҲАҚ?

Оғайним бу гапларни кайф устида айтди. Эшитганимдан буён бошим қотади — ким ҳақ?

— Бир ҳафтадан буён хотиним: «Тушларим безовта, уйимизда илон ўрмалаб юрганмиш, охири бахайр бўлсин», деб минғирлагани-минғирлаган. Ўзимам чўчиб қолдим. Илонни биров душман дейди, биров хазина, — деб гап бошлади оғайним.

Оғайним кўпдан буён иккита зўрнинг «лой»ли ишларини кузатиб, бир-икки «қулинг ўргилсин» жойларини сувратгаям олиб юраркан, иш якунига етгач, амалдорларни: «Мана мунча пул бермасанг, курсингдан ажралдинг», деявер деб сувратларга ишора қилибди. Кино-пинолардан ўрганганини ишга солиб, «мени у — бу қиламан деб хомтаъма бўлма, барибир сувратлар эгасига етади», — дебди. Зўрлар оғайнимнинг оғзини яхшигина ёғлашибди, шекилли, уйини ажойиб қилиб ремонт қилдирибди, бола-чақасига кийим олиб берибди.

— Бу ишинг ҳам қалтис, оғайни. Хотининг кўрган тушлар ҳам шунга ишора эмасмикан? Яхшироқ ўйлаб кўр, нима бўлганда ҳам бировларни қақшатиш инсофсизлик, ахир, — дея унга насиҳат қилган бўлдим мен.

Лекин оғайним ўз фикру-ўйидан қайтгиси йўқ:

— Уларнинг топгани порадан келган. Нима бўпти мендай бир меҳнаткаш одам ўшалардан олиб ўз эҳтиёжига сарфласа. Менам умр бўйи ишлаганман, югурганман. Балки, бу чеккан заҳматларим учун мукофотдир, — дейди у.

Оғайнимни ёқлай дейман, сенинг ҳам гапингда жон бор, дейман-у, ичим ғаш. Худдики, ёмон бир нарса бўладигандай. Ўзи тузуккина йигит, бўй етган қизлари бор. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинади, деганларидек, оғайним зиён-заҳматга учраб қолмасайди, деб ўйлаяпман.

*МУРОДИЛ,*
*Қўқон*

«Оила шажараси» танловига

Санъат МАҲМУДОВА

# ЖАҲОНГИРНИНГ ОТА-БОБОЛАРИ

**Етти пуштимни билиб олдим.**

**1. Отам — Турғунбой Ҳожи**
**2. Унинг отаси Холиқул**
**3. Унинг отаси Ҳомид Ҳожи**
**4. Унинг отаси Мақсит Ҳожи**
**5. Унинг отаси Юнус Ҳожи**
**6. Унинг отаси Қосим чўнг**
**7. Унинг отаси Райим чўнг**

***Жаҳонгир Холиқов, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, Сойбўйи қишлоғи.***

*Ўзинг мангу эмассан, исминг мангудир. Исминг мангу бўлдими, ўзинг мангудирсан.*

*Қадимий ҳикматлардан.*

Улар буюклик ёки зукколик талаб қилишган эмас. Улар оддий яшашган. Меҳнат нонини ўртада баҳам кўришган. Рўзғорлари ҳам ўртача бўлган. Лекин диллари тоза, қадамлари тўғри, ниятлари пок бўлган. Ва бу пок ниятлар ушалган.

Ҳа, ёзёвонликларнинг айтишича бундан икки аср олдин Райим чўнг ошини ошаб, ёшини яшагач, яратганга омонатини топширганда жанозага йиғилганлардан сўралган экан:



— Райим чўнг пок, ҳалол яшадими?

— Худди шундай, —дея бир овоздан жавоб беришган экан одамлар.

— Райим чўнгнинг ҳеч кимдан қарзи йўқми?

— Ҳеч кимдан ҳеч қачон қарз сўрамаган, дейишибди яна.

— Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, уни!

Ҳақиқатан ҳам Райим чўнг бир умр машаққатли меҳнат қилиб роҳатини кўрган. Ҳалоллик билан фарзандларини едириб-ичирган. У катта чорвадор бўлгани учун Райим чўнг лақабини ҳам олган. Мингдан ошиқ қўйини ҳар куни ўғиллари билан Марғилондан Ёзёвонга ҳайдаб бориб, чўпонлик қилган. Яна у «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли», «Муродхон», «Равшанхон» каби достонлардан ёд айтиб, ҳамкасбларини, ўғилларини лол қолдирган.

Райим чўнгнинг отаси Қосим чўнгнинг ҳам қўйлари отасининг сурувидан икки ҳисса кўп бўлган. Ўзи шеърлар тўқиб айтиб юрган, дейишади. Меҳнаткаш, етимпарвар, одми инсон бўлиб, ҳамқишлоқларига ҳайит арафаларида қўй сўйиб, ҳадя улашган.

Қосим чўнгнинг ўғли бўлмиш Юнус чўнг эса ота-боболаридан кўра ўн карра тадбиркор бўлган. У Қашқарга бориб, арзонроқ нархда 50 минг қўй сотиб олиб Фарғонага пиёда ҳайдаб келган. Йўл-йўлакай қанча дўст-ёр орттирган. Одатда кўнгли очиқ, сўзга бой кишининг дўсту биродари кўп бўлади.

Юнус чўнг оиласини таъминлаб, ўғил-қизини уйли-жойли қилгач, топган-тутганининг маълум қисмини белига тугиб, пиёда йўлга тушган. Юрт кўрган, эл кўрган эмасми, йўлини топиб юрган, нонини топиб еган. Олти ой деганда Муқаддас Маккаи-Мукаррамага етиб борган. Бир қанча вақт ҳаж амалларини адо этгач, яна олти ой йўл юриб, Фарғонага кириб келган.

Юнус Ҳожини зиёрат қилгани чор тарафдан — Наманган у Андижондан, Ўшдан, Қозоғистондан машҳур чорвадорлар келишган. Қўйлар, уч-тўртта новвос сўйилган меҳмонларга. Маҳалла-кўй бир неча кун яйраб-яшнаган. Юнус Ҳожи бир эмас, уч марта ҳаж қилган ва қолган умримни чўлда ўтказаман, деб Марғилондан Ёзёвонга кўчиб борган.

Отасининг таълимини олган, ёнида юриб, чорвадорлик касбини ўрганган Мақсит полвон ҳам оталик бурчини адо этгач, ҳажга пиёда жўнаган. Уни ҳам меҳр-оқибатли биродарлари йўлига 50 метрли поёндоз ёзиб, оёғининг тагига қўй сўйиб, кутиб олганлар.

— Ҳамид Ҳожининг эса катта ерлари бўлган, болаларини ана шу ерлари боққан, — деб ҳикоя қилади Сойбўйи қишлоғилик тўқсон ёшли Ўктам бобо Ҳомидов. — Мен унинг набираси бўламан. Бобом ерларига пахта, дон, қовун, тарвуз экиб, жуда катта ҳосил олган.

Отам раҳматли нуқул: — Сен бобонгга ўхшайсан, болам, серҳаракатсан. Аммо, қайси касбни танласанг ҳам деҳқончиликдан, мол-қўй боқишдан қолма! Бир дона дон эксанг, мингта бўлади. Яна шуни айтайки, ёлғон гапга уринма! Ҳалол бўл! Ёлғоннинг охири вой. Ҳаром нарса эса бир кун тешиб чиқади, — дегувчи эдилар. Бу гаплар миямга ўрнашиб қолган...

Озғин, питрак Ўктам бобо шундай дегач, лип этиб туриб тахмондан юмшоқ болиш олади, меҳмонлар орқасига қўяди. — Бемалол суяниб ўтиринглар, — дейди очиқ чеҳра билан. Кейин у иккинчи жаҳон урушида мардларча жанг қилгани, Украинани, Молдавияни, Болгария, Руминияни озод қилишда қатнашгани, Сталинградда учта укаси мардларча ҳалок бўлгани ҳақида сўзлайди.

— София шаҳрида банкни портлатиб кетишганининг устидан чиқиб қолдик, — дейди у. — Темир сандиқлар ланг очилиб, пуллар сочилиб ётибди. Қарасам, баъзи жангчилар қопчиғига пул солаяпти. Мен ҳам олсаммикан, деган хаёл лип этиб ўтди. Йўқ, дедим. Отамнинг гапини эсладим. Қаердандир қизил латта топиб билагимга боғладим-да, милтиқ ўқталиб, «Отставить!» дедим. «Бросай!» деб қопчиқларидаги пулларни ҳам тўктирдим. Кейин ўзимни хўжайиндек тутиб, милтиқ ўқталиб туравердим. Хазинага ҳеч ким йўламади. Бўлмаса мен ҳам оддий аскарман. Виждоним буюрганини қилдимда! Ҳадемай мутасадди раҳбарлар келишиб, «Раҳмат сенга! Сени энг юқори орденга тавсия қиламиз», — дейишди... Аяси, опчиқинг, орденларимни.

Боятдан бери чой қуйиб узатиб, олинг, олинг, деб ўтирган отанинг 58 йиллик умр йўлдоши Соттихон хола илдам туриб, чолининг топшириғини адо этди.

— Кампирим яхши, — дейди ғурурланиб ота, — ҳурматимни жойига қўяди. Ҳеч гап қайтарган эмас. Беш ўғил, икки қиз, келин-куёвлар, невара-чеваралар кўрдик. Кампир икковимизнинг пенсия пулимиз битта. Хоҳласа у ишлатади, хоҳласам мен. Ўғиллар идора ишида ишласа-да, 20 сотихдан ери бор, 15-16қопдан буғдой олишади. Қовун-тарвуз экишади. Ҳосилнинг олдини бизга илинишади.

Бир куни десангиз катта ўғлим келиб, «Дада мени ўқувчи танлашга қўйишди», деб қолди. Касб-ҳунар лицейида ишлайди-да. «Кўзингизни тўқ қилинг болам, ҳалол ишланг дедим. Бирон ота-онанинг қўлига қараманг, бир сўмини олманг. Ана ўшанда умрингиз узун, юзингиз ёруғ бўлади, оила шаънига доғ туширмайсиз». Гапимнинг натижасини сўраб, суриштириб турдим. Айтганимни қилди. Ҳалолу покликка нима етсин, қизим!

***

Ҳикоянинг давомини энди ёш оила соҳиби, журналист Жаҳонгир Холиқовдан эшитамиз. У Ёзёвон туманида чиқадиган «Марказий Фарғона» газетасида ишлайди. Рафиқаси Муҳаббат ўқитувчи. Жаҳонгир камтар, камсуқум йигит. Шеърлар ёзади. Ажойиб муаммоли мақолалар уюштиради. У кўп ишлаб, кўп тинглаб, оз гапиради. Уй-жойи ҳам камтарингина.

— Холиқул бобом 1900 йил туғилган эканлар, — дейди у тортинибгина. — 1982 йили мен ўн тўртга тўлганимда давра қилганлар. Ўша йили ҳам қўлидан кетмон тушмаган. Катта деҳқон эдилар. Қовун-тарвуз, ҳандалак экиб, жуда мўл ҳосил олардилар. Биз акаларим билан ёнларида юриб, деҳқончиликни ўргандик. Ҳазил-мутойибага, топишмоқлар айтишга уста эдилар. Бобомнинг топишмоқларига жавоб излай-излай эсим кетарди.

Дадам Турғунбой Холиқов — бобомнинг ягона ўғли бўлган. Шунинг учунми ўғлимни катта ўқишларда ўқитаман, деб ният қилдилар. Бобомнинг ниятига яраша дадам илмга астойдил қизиқдилар. Аввал ўқитувчи, кўп йиллар мактаб директори бўлиб ишладилар. Мактаб қурдилар, эскисини таъмирладилар. Шогирдлар етиштирдилар. Сўнгги йилларда туман халқ маорифида ишладилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига сазовор бўлдилар. 1996 йили эса аждодларим анъанасини давом эттираман, деб муборак ҳаж сафарига бордилар.

Дадамни зиёрат қилишга келганларни кўриб, лол қолдим, опа. Дадамнинг ёру-дўстлари, шогирдлари сон-саноқсиз экан. Дадам кейин ҳаж таассуротларини газетамизга ёздилар. Тўқсон саккизинчи йилнинг қутлуғ рамазон ойида... оламдан ўтдилар.

Отамга қаттиқ суянардим. Ҳар қадамда турли саволларимга дадамдан жавоб топардим. Билими ўткир, доим ўқиб-ўрганиб борадиган зиёли инсон эдилар. Биринчи шиорлари, қариндошми, бегонами беморни бориб кўриш... Иккинчи шиорлари каттага ҳам, кичикка ҳам яхшилик қилиш... Учинчи шиорлари боя амаким айтганидай, ҳалолу пок яшаб, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик эди.

Онам Мунаввар Юсупова ҳам таниқли ўқитувчи бўлган. Бутун меҳрини бизга, мактабга бағишлаган.

Холиқул бобомдан қолган катта ҳовлида ҳозир беш ака-ука яшаймиз. Акаларим — суянч тоғларим. Овсинлари опа-сингилдек аҳил. Бизни кўриб, болалар ҳам бир-бирига меҳрибон!..

Дарҳақиқат, шундай!

Жаҳонгир дилидаги ширин орзуларидан бирини тўкиб солади. Енгил автомашина олиш нияти борлигини, бу ниятига фақат мол-қўй боқиб, эришиши мумкинлигини айтади. Шунинг учун ҳам тунлари ижод қилади. Кундузлари ишдан сўнг — мол-қўйларига, томорқага қарайди. Ёнида уймалашиб юрган ўғилчалари. Сардор ва Бобурга етти баҳодир, яъни етти авлоди ҳақида эртаклар айтиб беради. Ҳа, у Сардор ва Бобурнинг ҳам ўша ота авлодлари каби солиҳ ва покиза инсонлар бўлиб етишишларини орзу қилади. Ҳадемай шундай вақт келадики, Бобур ва Сардорлар ҳам ўз фарзандларини ёнларига олиб, уларнинг Жаҳонгир бобоси каби камтар, меҳнаткаш, ҳалол инсон бўлишларини айтади. Демоқчиман-ки, авлодлар ўтаверадилар. Уларнинг яхши номлари, яхши ишлари, соф умрлари ибрат бўлиб қолаверади. Демак, ҳар биримиз ўз шажарамизни билсак ва ота-боболаримиздек яшашга интилсак, яхшилик сари яна бир буюк қадам қўйган бўламиз. Оиламиз шаънини улуғлаймиз!

Ҳар бир оилада шажара дафтаримиз бўлсин ва бу дафтар бизнинг қандай одамлар бўлганимизни ойнадек равшан кўрсатиб турсин.

## ИЧИКИШНИНГ ДАВОСИ

**Тўрт ёшли ёлғиз синглим Кимё онамдан «Дадам нега келмаяптилар?» деб, сўроқлайдиган одат чиқарди. Онам синглимнинг кундан-кун ичикиб тез-тез касал бўлиб қолаётганидан хавотирланиб шифокорга кўрсатди. Синглимнинг аҳволи оғирлаша бошлади. Шу кезларда олис қариндошимиз бўлмиш Абдулла ота хонадонимизга кириб, синглимнинг аҳволини кўриб, онамга: «Жийда мевасидан едириш керак», — деб уқтириб кетдилар. Онам Абдулла ота айтганидек қилди: жийда дарахти қишлоғимизнинг қабристонида, раҳматли дадамнинг қабри ёнгинасида ўсарди. Ўша жийданинг мевасидан олиб келиб, синглимга едирдилар. Орадан сал вақт ўтиб, синглимнинг соғлиғи тиклана бошлади.**

***Мухтор БЕК***

«Балоғат бекати»

# ВИСОЛ СИРЛАРИ

**РАШК — ИЙМОНДАНДИР**

Оилавий ҳаётда, жумладан ёш оилалар ҳаётида келишмовчиликлар, ҳатто қўйди-чиқдигача олиб келувчи сабаблар учраб туради. Шулардан бири рашк туйғусидир. Ишқ-муҳаббат ва рашк пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларида ҳам «рашк иймондандир», дейилгани бежиз эмас. Лекин асоссиз, қилдан қийиқ ахтариш даражасидаги рашк ҳеч қачон оила мустаҳкамлигига хизмат қилмайди. Психолог олимлар рашкни шартли равишда иккига бўлиб ўрганишни тавсия этишади. Биринчи — шахсий тажриба асосида пайдо бўлувчи рашк. Яъни эркак ёки аёл турмуш ўртоғига вафосизлик қилса ёки хаёлан шундай фикрга борса, бегона эркакни (аёллар) ёхуд аёлни (эркаклар) кўрганда ҳавас билан боқиш одати бўлса, «турмуш ўртоғингизда ҳам шундай мойиллик бўлса керак», — деган хаёлга боради ва шунинг оқибатида рашк пайдо бўлади. Иккинчи — ўзгалар тажрибасидан олинган рашк. Эр-хотин орасидаги вафосизликлар ҳақида дўстлар ёки дугоналар даврасида бўлиб ўтган гап-сўзлар китобларда, кинофилмларда, матбуотдаги мақолаларда шу мавзунинг акс этиши айрим кишиларга салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг онгида «барча эркаклар (аёллар) вафосиз», — деган фикрнинг шаклланишига олиб келади.



Хўп, рашк табиий жараён экан, унинг алангаланиб кетмаслиги, ўз ҳиссиётини жиловлаш учун нималарга эътибор бериш зарур? Асоссиз рашк баъзида чиндан хиёнатга олиб келиши мумкин. Аёллар эрларини рашк қилар экан, қуйидаги ҳолатларга эътибор берсалар, эрнинг асоссиз рашк учун ўч олиш мақсадида «юриб кетиши»нинг олдини олишлари мумкин. Демак:

— ўз кийинишингизга, пардоз-андозингизга алоҳида эътибор беринг. Зеро, эр «кўзи билан» севади. Кўчага ясан-тусан билан чиқиб, уйда ипириски кийимда юрманг. Бу ҳол эрингизни сиздан совутиши мумкин;

— «терговчилик»дан сақланинг. Эрингизни бўлар-бўлмасга сўроққа тутиб, қаерда юрганию, кимлар билан бўлганини сўраб-суриштираверманг;

— болаларингиз олдида эрингизнинг шахсиятига тегадиган гапларни гапирманг. Бундай гапларни умуман гапирмасангиз янада яхши;

— умуман, эрингиз ишдан, бошқа юмушдан бўшабоқ оила даврасига шошиладиган муҳит яратишга интилинг.

Рашкчи эркаклар хотинларга нисбатан аёвсизроқ бўлишади:

— рашк ҳисларининг қулига айланмаслик учун оилавий ҳаётда пашшадан фил ясамаслик, рашк психологиясини яхши билиш керак;

— турли одамларнинг гапларига, асоссиз ахборотларига қулоқ солиб, бўлар-бўлмасга жанжал кўтаришдан сақланиш лозим;

— хотинлар «қулоғи билан» севишини унутманг ва турмуш ўртоғингизни ширин сўзлар билан сийлаб туришни одат қилинг;

— бўлар-бўлмасга унинг ишидан, юриш-туришидан камчилик топиб, камситаверманг.

Хуллас, иймондан айирмайдиган, фақат оилангиз мустаҳкамлигига хизмат қиладиган рашк ҳаётда ҳамроҳингиз бўлсин.

**МУҲАББАТ — ДАРД, МУҲАББАТ — ШИФО**

Италиялик олимлар узоқ муддат тадқиқотлар олиб бориб, севгининг инсон соғлиги учун фойдали ва зарарли жиҳатларини аниқлашди. Хусусан, руҳиятшунос Александра Ланчелотти: «Севги туфайли кишиларнинг миясида турли касалликларга қарши ҳимоя воситаси вужудга келади. Касаллик инсон танасига даф қилганда ана шу воситалар — психоматик эндокрин химоя ёрдамга келади», — дейди.

Тишларни кариесдан сақловчи энг яхши восита «Орбит» «Дирол» сақичлари ҳам, «Колгейт»у «Блендамед» тиш пасталари ҳам эмас. Энг зўри бўса.

Ҳа-ҳа, ишонаверинг, бўсалар оғиз бўшлиғидаги овқат қолдиқларини олади. Терингиз юмшоқ ва майин, ажинлардан холи, сочингиз эса соғлом ва жилодор бўлишини истасангиз, «Синержи» креми-ю, «Пантин Про-Ви» шампунини четга суриб қўйинг. Севгилингизнинг суйиб эркалашлари туфайли танада қон айланиши яхшиланиб, қондаги кислород миқдори 10—15 фоизга ошади. Организм терини юмшатиб, ажинларни йўқотувчи ёғлар ишлаб чиқаради. Қон айланишининг яхшиланиши эса сочларни кислородга тўйдириб, уларга кўрк ва жило бағишлайди.

Лекин муҳаббат турли дардларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Ишончсизлик, қўрқув ва руҳий иккиланишлар туфайли севгининг касалликка айланиши хавфи ҳар доим мавжуд бўлади. Бундай майл, айниқса, аёлларда ва қизларда кучли бўлади. Сабаби, улар эркакларга нисбатан кўпроқ ҳиссиётларга бериладилар ва муҳаббатнинг саробга айланишига кўникишлари, тақдирга тан беришлари оғир кечади.

*Даврон БЕК*

# НУҚРА ХОЛА ҲОКИМДАН РАНЖИДИ

Шўрчининг Совжирон қишлоғида истиқомат қиладиган Қоржов ака ва Нуқра опа Ашуровларнинг хонадонидан ўн нафар ўғил ва бир қиз учирма бўлди. Ўн ака-уканинг тиловчиси ва эгачиси Жарқин бир рўзғорнинг соҳибаси.

Ашуровларнинг катта ўғли Ҳайитмамат том устидан тушиб кетиб, тузалиши қийин бўлган жароҳат олди. Биринчи гуруҳ ногирони. Фарзандлари бор. Қоржов ака хонадонидагиларга хос бўлган нарса шуки, ака-укалар турли касб-корни эгаллашган. Масалан, Жума сартарош, Эркин пахта тозалаш заводида олий маълумотли лаборант, Тўлқин ҳайдовчи, Бахтиёр чўпон, Рустам ошпаз. Ёзаётган ушбу мақоламизнинг ўзига хос томони шундаки, унда гап асосан шу оиладаги уч эгизак — Ҳасан, Ҳусан, Юсуфлар ҳақида боради.

Бу уч эгизак 1975 йилда туғилган. Битта мактабнинг битта синфига бир вақтда бориб, токи 9-синфга қадар бирга ўқишган. Кейин учаласи ҳам Шўрчи туманидаги 17-қишлоқ ҳунар-техника билим юртига кириб ўқишган. Билим юртидан Ҳасан дурадгор, Ҳусан пайвандчи, Юсуф эса ошпазликни эгаллаб чиқишди. Ака-ука эгизаклар бир кунда ҳарбий хизматга чақириқ қоғози олишади ва бир кунда Ватан хизматига лаббай дея жўнашади. Табиийки, хизмат ҳам битта ҳарбий қисмда ўтади. 1995 йилда эса Ҳасан, Ҳусан, Юсуфлар армиядан бўшаб қайтишади.

Бошқа ака-укалардан фарқли ўлароқ бу уч эгизакнинг нафақат феъл-атвори, ташқи кўриниши, балки яшашдан кўзда тутган мақсад, ниятлари ҳам жуда-жуда ўхшашдир. Учовлон гапни бир ерга қўйиб, 1996 йилнинг ёзида Тошкентдаги олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга киришга муваффақ бўлдилар. Ҳозир эса агар излаб борсангиз, бир-бирига меҳрибон, садоқатли эгизакларни курсантлик либосларида кўрасиз.

Иши тушган ота-она биладики, ўн бир фарзандни тарбиялаб, ўстириш ўз-ўзидан бўладиган осон иш эмас. Кўриб турибсизки, Ашуровлар хонадонидаги ҳар бир фарзанд ўзига муносиб касб эгаси бўлишган. Уларнинг ҳар бири ҳаёт сўқмоқларидан ўз бахти, иқболини излаб кетишмоқда. Уларга ҳавас қилганлар қанча.

Ўн бир фарзандга ота бўлиб, умрнинг паст-баланди, иссиқ-совуғидан хабари бўлган Қоржов ака Ашуров айтади:

— Ҳозирги баъзи ёшларни кўриб ҳайрон қоламан. Эртадан кечга қадар кўча-кўйда санқиб юради. На бир ишнинг, на бир касбнинг тайини бор. Айрим йигитлар эса ҳаттоки бир амаллаб армиядан ҳам қолишнинг пайида юришади. Йигит киши элига, Ватанига хизмат қилмаса, навқирон йилларини синовдан ўтказмаса, у қанақа йигит ўзи!

Балки Сиз Ашуровлар хонадонида яшаш, тирикчилик қандай деб сўрарсиз. Айтиш мумкинки, ёмон эмас. Кўп қатори умргузаронлик қилишаяпти. Қайнона-қайнота ва тўртта келин бир ҳовлида иноқ, аҳил, ҳар бир ишда бамаслаҳат яшашади. Ўн беш невара ҳам бор. Шу кунларда Нуқра опанинг ҳам, Қоржов аканинг ҳам ташвиши яна ортган. Улар уч эгизакни бир кунда уйлантиришни, элга баҳоли қудрат тўй беришни кўнгилга қаттиқ тугиб юришибди. Нуқра опа эса умри келин излаш, келин танлаш билан ўтаяпти. Яхши-ёмоннинг фарқига тез борадиган опамиз уч қизни уч эгизагига дея мўлжаллаб, кўз остига босиб қўйибди. Лекин шу кунларда Нуқра опани ҳам, Қоржов акани ҳам бир нарса сал ўйлантириб турибди. Яхшиси, уй бекасидан эшитайлик:

— Ўғилларни уйли-жойли қилишнинг ўзи бўладиган иш эмас. Томорқа-жой керак. Ҳовли эса торлик қилиб қолаяпти. Яқинда Шўрчи туман ҳокими Шайдулла Мирзаевнинг ёрдами тегар деган катта умид билан қабулига бордим. «Ўғилларимни уйламоқчи эдик, шунга томорқа керак»,

**Ажабо!**

деб энди гап бошлаган эдим, гапим оғзимда қолди. «Бўлди, бўлди тушундим, нима демоқчи эканлигингизни, айтинг ўғилларингизга, бундан кейин сизни овора қилишмасин-да», деди. Умидим пучга чиқиб, кўнглим муздек бўлиб, изимга қайтдим. Ҳокимнинг кимсан, нимасан, деб сўрамагани кўп оғир ботди. Билдимки, ўғилларим борса ҳаттоки гапига игнача ҳам қулоқ солмас экан... Нимаям дердим, Худонинг шу эгизакларга ҳам бир атагани бордир-да...

... Ҳали ҳамма ишлар изига тушиб кетади. Совжиронда эса бир зўр тўй бўлади. Ҳасан, Ҳусан, Юсуфларнинг бошига бахт қуши келиб қўнади. Уч зобит ака-укаларнинг умр йўлларига уч соҳибжамол ҳамроҳ бўладилар. Совжиронда ҳали бир ҳавасли тўй бўлади.

*Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,*
*Сурхондарё вилояти*

## ЖАННАТИ АЁЛ

*Ҳаётда яхши инсонлар кўп. Шоир ва публицист Отаёрни мен яхши инсон сифатида яқиндан танийман. Бироқ бугун у ҳақда эмас, унинг аёли — Муҳаббатхон ҳақида тўхталмоқчиман. Отаёр бир эркак кўриши мумкин бўлган тўкис бахтни кўрди-ю... Бироқ, оғир касалликка чалиниб, асосий сезги органларидан айрилди. Толеига Муҳаббатхондек вафодор, садоқатли умр йўлдоши бор экан. Шоирни асраб-авайлаб, дардига шерик бўлди.*

*Бу жаннати аёл ҳар тонг, ҳали қуёш олам юзини кўрмай туриб, турмуш ўртоғини тоза ҳавога сайр қилдиришга олиб чиқади. Қани энди Отаёр таровати қуёшнинг мафтункор кўтарилишини кўра олса. Афсуски, у...*

*Муҳаббатхон олти фарзандини ҳам она, ҳам ота бўлиб тарбияламоқда. Умр йўлдошига меҳрибон. Ҳа, бир ўктам аёлнинг садоқати ва вафоси шунчалар бўлар-да! Пайғамбаримиз ҳам жаннати маъвони ана шундай аёллар оёғи остига «қурган» бўлсалар ажаб эмас...*

**Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ**



Алижон САФАРОВ

# БАНЯН–САВДОГАР ВА ДАРАХТ

Одатда ўрмон бир неча хил дарахтдан ташкил топади. Аммо ер юзида шундай ўрмонлар ҳам борки, улар фақат битта дарахт томиридан вужудга келади. Уша ғаройиб дарахтнинг номи — банян. Ҳаттоки бир дона банян икки гектардан ҳам катта майдонга ёйилиб кетиши мумкин экан.

Банян қичитқи ўтга сал-пал «қариндошчилиги» бўлса-да, тутсимонлар оиласига киради. Баняннинг уруғи маймун, қуш ёки паррандалар ёрдамида тарқалади. Қизиғи шундаки, ҳатто уруғ бошқа бир дарахтнинг ковагида ҳам униб чиқавераркан. Аммо ўсиш жараёнида ўша дархтни сиқади. Бу хусусияти билан ҳатто «бўғувчи фикус» деган ном ҳам олган. Илдиз аста-секинлик билан тупроққа тушади ва «ўзидан кўпайиб» ўрмон бўла бошлайди.

**Онажоним табиат**

Банян асосан Африканинг тропик ҳудудлари ва Ҳиндистонда ўсади. Унинг барглари одамлар ва жонзотларни офтобдан сақлайди. Ҳатто Ҳиндистондаги улкан бир банян дарахти остида 20 минг одам пана топса бўларкан. Баняннинг мевасини одам истеъмол қила олмайди. Аммо ундан олинадиган қуш елими дея аталувчи модда қушларни овлашда жудаям қўл келади.

Бу тарвақайлаб ўсиб кетувчи дарахт қанча умр кўради, деб қизиқаётгандирсиз ҳойнаҳой. Андра-Прадеш (Ҳиндистон) штатидаги банян дарахтининг ёшини олимлар 600 йил деб баҳолашмоқда. Давлат томонидан муҳофаза этилаётган бошқа бир банян 250 ёшда. Энг катта банян Шри-Ланкада ўсади. Маълум бўлишича, унинг 350 та катта, 3 мингдан зиёд кичик танаси бор экан.

Ҳиндистонда аниқланган 1100 та ёрдамчи илдиз ва шох шаббаси бўлган банян икки гектардан ортиқ майдонни эгаллаб, мамлакатда рекорд қўйган дарахт ҳисобланади. Банголордаги яна бир банян 1,2 гектар майдонни эгаллаган.

Калкуттадаги миллий ботаника боғида 240 ёшли банян ўсади. Баландлиги — 25 метр, 1,2 гектар майдонни эгаллаган, 1800 та очиқ илдизи, шох-шаббаси бор. Айланаси — 420 метр.

Ҳиндистонда банян муқаддас ҳисобланади. Яъни бу дарахтни Вишну илоҳига боғлашади. Ҳатто қадимда Полинезияда ҳам банян муқаддас бўлган.

Бу дарахтга номни европаликлар ўйлаб топишган. Соя берувчи ғаройиб дарахтни кўрган сайёҳлар, қуёшдан сақланиш учун унинг соясида дам олганлар. Маълумки, ҳиндуизмда савдогарлар «вайшия» дея номланувчи табақага мансуб бўлган. Ана шу табақа ичида ҳам битта тоифа бўлиб, улар асосан буғдой ва бошқа озиқовқат маҳсулотлари билан савдо қилганлар. Банян деб аталувчи бу тоифа вакиллари ана шу дарахт соясида ўтириб савдо қилганлар. Европаликлар ана шунинг учун дарахтни банян дейишган.

**Ё, тавба!**

## «ПАШШАЛАР ЧАҚСА ҚАРАЙЛИК»

АҚШдаги Айова университети энтомолог олими Чейн Роули олиб борган тадқиқотларнинг кўрсатишича, хира пашшалар ҳаммани ҳам чақавермас экан. Улар кўпроқ қора ва бошқа тўқ рангли кийим кийган кишиларга «ишқибоз» бўлишаркан. Айниқса, тер ҳиди уларни ўзига оҳанграбодек жалб қилади. Яна бир қизиқ маълумот. Одамларни фақат урғочи пашшаларгина чақаркан. Эркаклари инсон қонини хушламаса керакда, яна ким билади дейсиз?!

## НИКОҲ ВА КАЛАМУШ ДУМИ

Ява оролида никоҳни ЗАГС идорасида қайд этиш ва ажралиш билан боғлиқ ғалати қоида мавжуд. Оила қураётган ёшлар никоҳ қоғози олишдан аввал маҳаллий маъмуриятга йигирма беш дона каламуш думи топшириши шарт. Ажралиш пайтида эса қирқта дум топширмаганларнинг никоҳи бекор қилинмайди.

Оролда каламушлар ҳаддан зиёд кўпайиб кетиб, шолизорларга, омборлардаги шоли ва гуручча мисли кўрилмаган даражада зиён етказа бошлагач, ҳукумат уларга қарши курашнинг мана шундай антиқа усулини жорий этди (мушуклар ҳам, турли дорилар ҳам кор қилмагач, илож қанча!).

## ХИЗМАТ ВА «ҲУРМАТ»

XVI—XVII асрларда яшаган инглиз ёзувчиси Жон Стов умрининг қирқ беш йилини кутубхона ва архивларда ўтказиб, Англия тарихини ўрганишга бағишлади. Лекин қариган чоғида у жуда ғариб аҳволга тушиб, кун кўриши қийинлашиб қолди. Шу сабабли 1604 йили инглиз ҳукумати махсус Фармон қабул қилди. Унда шундай дейилган эди: «Стов қирқ беш йил давомида Англия тарихи, Лондон ва Вестминстер шаҳарлари ўтмиши билан боғлиқ материаллар тўплаш ва уларни ўрганиш билан машғул бўлганини, умрини Ватанга хизмат қилишга бағишлаганини эътиборга олиб, унга фуқароларимиздан хайру садақа сўрашга ва шу орқали топган-тутганини ўз эҳтиёжи учун ишлатишга рухсат берамиз».

*Д. ЯШМОНОВ тайёрлади*

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!



**Жондан азиз онажонимиз Холидахон АБДУЛЛАЕВНА!**

Сизни 40 ёшга тўлган қутлуғ айёмингиз муносабати билан самимий табриклаб, саломатлик, оилавий бахт ва Оллоҳдан узоқ умр сўраймиз.

*Қизларингиз Умида, Шаҳноза, ўғлингиз Музаффар.*

* * *

**Азиз синглим МУҚҚАДАСХОН!**

Сени қутлуғ мучал ёшинг билан чин дилдан муборакбод этамиз! Синглимиз Маҳбубахон, келинимиз Муҳаббатхон, жиянларимиз Фотимахон, Ҳусанжон ва Наргизахонлар сизларни туғилган кунингиз билан табриклаб, барчангизга узоқ умр, саломатлик тилаймиз. Шоду хуррамлик доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

*Акангиз Мақсуджон, опангиз Мухтабархон ва жиянларингиз Шаҳнозахон, Нигорахон ва Жамшиджонлар.*

* * *

**Азиз синглимиз МОҲИРАХОН!**

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Сизга доимо баҳорий кайфият ҳамроҳ бўлсин.

Барча орзу — умидларингиз рўёбга чиқишини Оллоҳдан сўраймиз.

*Опангиз Манзурахон, поччангиз Тоҳиржон ҳамда жиянларингиз.*

* * *



**Ҳурматли Дилфуза САХАНАЗАРОВА!**

Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман, гўзаллик ва бахт ҳамиша ёр бўлсин.

*Ҳурмат билан ҳамкасбингиз Меҳри.*

* * *

**Азиз падари бузрукворимиз Жомурод НАЗАРОВ!**

Сизни навқирон 45 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Доимо оиламиз таянчи, хонадонимиз қувончи бўлиб, бахтимизга соғ ва омон бўлинг.

*Фарзандларингиз Турғунжон ва Жўрабекжон Назаровлар.*

* * *

**Ҳурматли Маъсудахон опа!**

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик болаларингиз роҳатини кўриб, уларнинг тўйларида бош-қош бўлиб юришингизни тилаймиз. **Қўшниларингиз.**

**ОИЛА**

## 36 ЁШДА

Фарғона вилояти Риштон туманидан мўмин-қобил, оққўнгил йигит. Оилалик бўлиб жажжи фарзандларни тарбиялаб бахтли-саодатли яшаш ягона орзуси. Ўзига муносиб мунис, маъсума, вафодор аёлни умр йўлдошликка излайди «Оила-507». Мактубларингизни кутади.

* * *

Ҳамза туманидаги «Замондош» Маданият уйида 2-ойлик массаж курси очилди. Хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин. Қабул соат 10.00 дан. Манзилгоҳ: Турсунхўжаев кўчаси, 14. Тел.: 90-36-23. Автобус: 7, 15, 45, 81. Маршрут: 3, 23. «Табассум» бекати.

* * *

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан БОТИРОВ Баҳром ЮЛДАШЕВИЧ номига 16 октябр 1997 йилда берилган 1004328-сонли хусусий тадбиркор гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

* * *

Ҳамза туманидаги «Тайр» хусусий корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида 169-49-39 телефон орқали қабул қилинади.

А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ аспирантлари Республика таълим Маркази директори Шоумаров Ғайрат Баҳромовичга отаси

**Баҳром ШОУМАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Олимнинг хотини олим, артистнинг эри артист бўлиши шарт эмас. Гап бир-бирини тушунишда, ишлаш, ижод қилиш учун имконият, илиқ муҳит яратишда.

Дилбар МАҲМУДОВА

# МУҚАДДАС БИРЛИК




Ота-боболаримиз кўриб билиб, таг тугини сўраб-суриштириб қиз узатганлар, ўғил уйлантирганлар. Тенг тенги билан, деган гап эҳтимол мана шундан келиб чиққандир. Афсуски, халқимизнинг ана шундай удумларига ҳамма вақт ҳам амал қилавермаймиз. Айрим оилавий қўйди-чиқдиларга балки мана шундай тасодиф учрашув ва танишувлар, бир-бирини яхши билмаслик сабабдир. Ёшларнинг оила масаласига жиддий қарамасликлари, ҳаётга енгил муносабатда бўлишлари ҳам йўқ, эмас. Баъзилар характеримиз тўғри келмади, дея баҳона қилишади. Бундай оилаларни кузатиб борсангиз уларнинг ўз характерларини бир-бирларига мослаштиришга ҳеч қандай ҳаракат қилмаганларикларини сезиб қоласиз. Аксинча, ёшлик ғururига берилиб, эр хотинга, хотин эрга гапини ўтказиш пайидан бўлишади.

Бир оилани биламан. Улар бир умр бир-бирларининг ҳаётларини заҳарлаб, умрларини эговлаб яшашди. Кексайиб, ўзаро тил топишиб, энди тинчгина, яшай бошлаганда бири оламдан ўтди... Бундай бир-бирини тушунишга шунчалик узоқ йиллар керакмиди?! Балки, ўтган умр давомидаги чиқишмовчиликлар, аччиқ-чучуқ гап-сўзлар, ғиди-бидилар ўша одам ҳаёт шомини яқинлаштиргандир...

Одам ким ва қандай мартабага эга бўлмасин, бу сифатлар оилани ушлаб туролмаслиги мумкин. Оила аъзоларингизга бўлган меҳр-муҳаббат ёки совуққонлик, ғамхўрлик ёки бефарқликка қараб жавоб қайтади. Агар оила муҳаббат ва меҳр асосига қурилган бўлса — бахт чопгани шу. Муҳаббат — бу фидоийлик. Муҳаббат — бу сен севган, қадрлаган инсонга нимаики ёқса, нимаики зарур бўлса шунга интилиш; яхши ниятлар билан бир ёстиққа бош қўйган йўлдошингнинг диди, истак — хоҳишлари билан ҳисоблашмай яшай олмаслик. Муҳаббат — беминнат бахшидаликдир. Бундай пайтларда эр-хотин вазифаси, мажбурияти деган тушунчалар эмас, оддий инсоний туйғулар одамни бошқаради.

Фидоийлик — инсоннинг ўзини ўзи тарбиялаш жараёни. Демак, оила одамни тарбиялайди. Ҳа, оила ўзига хос ҳаёт мактаби. Бу мактабда бир умр ўқийсиз, бир умр ўрганасиз, бир умр сабоқ оласиз, сабоқ берасиз.

Оиланинг пойдевори севги дедик. Севги — бу бир-бирига ўрганиб қолиш, бир-бирининг истак-хоҳишлари билан яшаш, қолаверса бир-бирига ёқиш, бир-бирини ҳайратга солиш учун ҳаракат қилиш. Керак бўлса ўз феъли, кўникиб қолган одатларини ҳам тарк этиб, севган одами дидига мослашиш...

Ажойиб адиба Кибриё опа Абдулла Қаҳҳор билан муносабатларини оилани мустаҳкамлаш бўйича ибрат тарзида кўп такрорлар эдилар: «... Қандай қилсам эримни қойил қолдирар эканман, деб ўйлардим, — деганди опа. — Ҳар куни ҳар хил таомлар пишириб берардим. Абдулла акага форсий тилда шеърлар ўқиб берардим. Ўзбек тилини ўрганиб олганимдан кейин у шеърларни ўзбек тилига ўгириб ўқирдим. Бугун кечаги айтганларимни такрорламасдим. Эрим ухлаган пайтларда мен туни билан китоб варақлаб, шеър танлаб, уни ўзбекчага ўгириб, ёд олардим. Ва эртасига ўқирдим».

Кибриё Қаҳҳорова Абдулла Қаҳҳорга нима ёқади, нима ёқмайди, нима кўнглини очади ва нималар илҳомлантиради — яхши биларди. Ва шунга қараб шунга мослашиб яшаган эдилар.

«... Биз эр-хотингина эмасмиз. Эр-хотинлик орамиздаги муносабатнинг бир жузигина. Агар бирон ташқи мажбурият бизни эр-хотинликка барҳам беришга мажбур қилса, орамиздаги муносабат жуда кам зарар тортади...

... Орамизда фақат битта келишмовчилик бор: у мендан кейин ўлишни, мен ундан кейин ўлишни истамаймиз», — деб ёзган эди Абдулла Қаҳҳор.

## Қўша қариш сири

Бу қисқагина изҳордан ёзувчи ўз умр йўлдошига ҳайкал қўйиб кетган эди. Кибриё опа бунга арзийдиган аёл эдилар. У турмуш ўртоғи тириклигида ҳам, ҳаётдан ўтгандан кейинги чорак асрдан кўпроқ вақт давомида ҳам фидоий бўлиб яшади. Ва бундан, аввало, ўзи қониқар, ўзи мамнун эди. Унга Абдулла Қаҳҳор номини эслаб яшашдан ортиқ бахт йўқ эди. Кибриё опа кўпларга ибрат бўлгулик ҳаёт кечириб ўтди.

Агар ҳар бир аёл турмуш йўлдошининг қизиқишлари, дунёқарашларига ҳамоҳанг яшай олса, у болаларига она, оиласига бекалик билан бирга эрига маънан яқин дўст бўлиб қолади. Оилада маънавий бирлик, бутунлик ярата олади. Эркаклар орасида «... гўзал уйи, эзгу хотини, яхши маишати бўлган кимса энг бахтлидир», — деган гап эҳтимол ана шундай бахтли оилалар таъсирида келиб чиққандир.

Эрингиз ишдан қайтгунча уй ишларингизни саранжом-саришта қилиб, ўзингизга ҳам бироз қараб олишга улгурсангиз, эрингиз ёқтирган кўйлакни кийиб, сочларингизни ҳам у ёқтирадигандек турмаклаб олсангиз... Бундай майда-чуйда туюлган нарсалар ҳам эр-хотиннинг ўзаро боғлиқлиги, маънавий интиқликларидан далолатдир.

Севги, муҳаббат тушунчалари ўз ҳолича ҳеч нарса эмас. Улар инсонлар амал қилган ҳаёт кечинмаларида, ширин турмуш оғушларида юз очадилар, ҳою ҳавасга айланадилар.

Севсанг-у ўртада ҳурмат бўлмаса. Севгилингнинг одатлари, қизиқиши интилишларига бефарқ, бўлсанг... Орада тушунмовчилик бошланади. Бир-бирингдан зерикиб, безиб, маънавий жарлик сари яқинлашиб бораверасан. Баъзи эр-хотинлар икир-чикир нарсалар юзасидан тортишиб, асабийлашиб, ўзаро муносабатларини музлатиб юборадилар. Бегоналар билан муомалада ширин забон одам нима учун ўз яқинларига қўрс бўлиши керак, нима учун одам кўчада бошқа, уйда бошқача бўлиши керак. Муомала маданияти уйдан, оиладан бошлангани яхши эмасми. Ишда, ҳаётда, жамиятда ҳар бир одам билан бўладиган жиддий тўқнашув, муаммоларни эру хотин ўзаро дардлашиб, келишиб ҳал қилиш қайдаю, кўчадан топган хафагарчилик аламини уйдагилардан олиш қайда... Эру хотин ўртасидаги муҳаббатдан кейин турадиган энг зарур нарса бу ўзаро муомала маданиятидир.

Оила мисоли бир қурилаётган иморат. Яхши муомала, фидоийлик, меҳр-оқибат ана шу иморатни тикласа, қўпол муомала, бефарқлик вайрон қилади. Кўряпсизки, оила тутиш — бир санъат. Бу санъат ҳар кимга насиб этсин.

---

# «НИМА ЭКСАНГ»...

## Бузилган оила

Дунёдаги мавжудотлар орасида онги, фаҳму-фаросати билан ажралиб тургувчи инсонлар қадимдан бир нарсага амин бўлганлар — ҳаётда ҳар бир қўйилган қадамнинг жавоби бор. Эртагу-достонлар, мақолу нақллар, муқаддас ҳадислар бу ҳақда ҳамиша бизни огоҳ этиб туради: «Нима эксанг, шуни ўрасан», «Қингир ишнинг қийиғи», қирқ йилдан сўнг ҳам билинади»... — сон-саноқсиз мақоллар ҳар қадамда бизга эслатишгани эслатишган... «Чапга юрсанг кулфатга дуч келасан, тўғридан юрсанг сени бойлик, мартаба кутади», — эртаклар ҳам болаликданоқ бизга ана шуларни уқтиришади.

Буларнинг ҳаммасидан битта хулосани келтириб чиқариш мумкин — «Бахту бахтсизлик — одамнинг ўз қўлида, ўз измида»... Астойдил ният қилинса, астойдил харакат қилинса бўлди — ҳар бир инсон шодумон ҳаёт кечириши, шу дунёни ўзи ва яқинлари учун жаннатга айлантириши мумкин. Оллоҳ таоло инсонни ана шундай улуғ шарафга ноил этиб яратган. Демак инсонийликка, инсоний ахлоқ-одоб қоидаларига зид келмайдиган хатти-ҳаракатлардан тийилсанг, тўғри яшасанг, тўғри фикрласанг, тўғри гапирсанг бўлди, марра сеники экан... Акс ҳолда... Келинг, яхшиси редакциямизга келган мана бу мактубни (албатта одатдагидек аниқ адресни, аниқ исм-шарифни кўрсатмаймиз) очиб ўқийлик...

«Республикамизда биринчи маротаба Президентимиз ташаббуси билан 1998 йил Оила йили деб эълон қилинди, — дея бошланади бу мактуб. Президентимизнинг оилага эътибори республикамиз фуқароларига ва ҳар биримизнинг тинчлигимизга эътибордир», мактубни ўқий бошларкансан, юқоридаги сўзларнинг айни ҳақиқат эканлигига ҳеч бир шак-шубҳа қилмайсан. Лекин...

«Мен эса оиламни асрай олмадим, — дея сўзини давом эттиради мактуб муаллифи. Шу сабабли сизларга шикоят хати орқали дардимни ёзаяпман. Мен М. билан турмуш қуриб олти йил бирга бахтли яшадик, тўрт нафар фарзандли бўлдик. Лекин бу қувонч ва бахт узоққа чўзилмади. Хуллас воқеа бундай бўлганди. Эр-хотин иккимиз бир корхонада ишлардик. Кунлардан бир кун бошлиқ ёрдамчиси Ҳ. мени хонасига чақиртириб алдаб, йўлдан уриб... Бу чоҳга қандай килиб тушиб қолганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Хуллас Ҳ. яна бир куни мени шу йўлга таклиф қилди. Мен рад жавобини бердим. У бўлса, оилангни буздиртириб юбораман, — деб мени қўрқитди. Мен эса оилам тинчлиги учун Ҳ. таклиф қилган йўлга яна боришга мажбур бўлдим. Шу сабабли баъзида уйга ишдан кеч қайтадиган бўлиб қолдим. Бир куни эримда шубҳа пайдо бўлиб ишдан кеч қайтишим сабабини қўймай суриштираверди. Охири иложи бўлмай мен йиғлаб эримга Ҳ. билан боғлиқ номаъқул ишларни айтиб бердим. Эрим ҳар иккимизнинг қариндошларимизни бу гапдан хабардор этиб мени уйдан чиқиб кетишимни талаб этди. Ўт бўлиб куйдим, оташ бўлиб ёндим. Бу нохуш хабар бутун корхонамизга тарқалиб кетди. Мен Ҳ.нинг устидан шикоят қилиб бошлиғимиз қабулига кирдим. Бўлган воқеани гапириб бердим. У бўлса буни қандай қилиб исботлаб берасиз, қаерга мурожаат этсангиз ҳам туҳмат қилаётгандек кўринасиз, шунинг учун ҳар ёққа югуриб овора бўлиб юрманг, — деди.

Бу орада юқоридаги воқеаларга асосан эрим шаҳар судига мурожаат этиб, қонуний никоҳимизни бекор этишни талаб қилди. Суд эрим талабини қондирди. Бизнинг никоҳимиз бекор қилинди. Тўрт нафар фарзандим эрим билан қолди. Кўп ўтмай эрим уйланиб ҳам олди»...

Шундан сўнг мактуб эгаси ўзининг бугунги кундаги бахтсизлигида асосий айбдор деб санагини Ҳ. ҳеч бир жазосиз қолаётганлигидан шикоят қилади. Ҳ. ҳатто ўша корхонада юқорироқ мартабага кўтарилганини алам билан ёзади. «Худбинлик, ғаразгуйлик ва бузуқчиликка нисбатан ҳалоллик, одиллик адолат барқарор топишини сўрайман, — дейди у. Мен Ҳ. туфайли эл-авлод, олдида нима деган одам бўлдим. Мени фарзанд меҳрига зор этган, уй-жойсиз қолдириб, кўзларимга ёш тўлдирган шу Ҳ. эмасми?» — дея мактубини тугатаркан, муаллиф Ҳ. га нисбатан қатъий чора кўрилишини талаб этади...

Хуллас воқеа аён, хулоса ҳам чиқарилган — жамоатчилик, суд, ўз ҳукмини айтиб бўлган. Лекин ҳар қандай қиссадан ҳам муддао бўлиши керак, яъни бўлиб ўтган воқеа давомида унда кўтарилган ҳамма гапга бирма бир нуқта қўйиб чиқилиши керак. Мактуб муаллифи — воқеанинг бош қаҳрамони эса ўзи-ку жазолангани — турмушидан ажралгани, фарзандларидан айру тушганини айтиб, ҳали яна бир бош қаҳрамон Ҳ. га нисбатан жазо кўрилмаётганидан шикоят қилаяпти.

Муҳтарам газетхон! Айтинг-чи, мактуб муаллифи С. ўзининг бошига тушган кўргуликлар учун талабни тўғри қўяяптими? Ва яна бир гап — С. нинг Ҳ. ни жазолаш ҳақидаги талаби мабодо қондирилса асл муддаога эришиладими? Бузилиб бўлган оила қайта тикланиб, бузилган кўнгиллар бокира ҳолига қайтадими? Ана шу бир умр ҳам ҳеч тузалмас хато туфайли, отасиз ва онасиз яшашга маҳкум этилган гўдаклар қалби малҳам топадими? Ва яна ўша савол — асл муддао нимада? Фикрингизни, хулосаларингизни бизга ёзиб юборинг...

**ТАҲРИРИЯТ.**

---

# БИЛАСИЗМИ?

Ангина (томоғ оғриганда) — бошпиёзнинг янги ширасини кунига уч-тўрт маҳал бир чой қошиқдан ичилади.

* * *

Сўгал — бошпиёзнинг янги шираси билан йўқолади.

* * *

Кўз оғриса — янги узилган бодрингдан тайёрланган суюқ дори: 0,5 стакан бодринг пўчоғи, 0,5 стакан қайноқ сув, 0,5 чой қошиғида чой содасидан тайёрланадиган суюқ дорига латтани ҳўллаб қўйилади.

* * *

Гастрит (сурункали) — алоэнинг қалин баргларидан сиқиб олинган шираси тенгма-тенг миқдорда асал билан аралаштирилади. Бир чой қошиқдан кунига уч маҳал овқатдан олдин истеъмол қилинади. Уч ҳафта давомида.

* * *

Милкларни мустаҳкамлаш учун тузланган карам чайнаш керак.

* * *

Лат еганга янги карам барглари энг яхши малҳам.

* * *

Ари ва ҳатто илон чаққан жойга яхшилаб эзилган отқулоқ барглари босилса шираси заҳарни сўради, оғриқни қолдиради, шишнинг олдини олади.

* * *

Яра (ошқозон) — артилган картошка қайнатилади, суви тиндириб қўйилади ва унга туз солмай кунига уч маҳал 1,5 ош қошиқдан ичилади.

* * *

Полип (бурун ичининг шишиши) — сентябр ойида терилган янги арча шохчаларидан тайёрланган қайнатмадан (бир стакан сувга чойдек дамланган) 0,5 стакан ичилади.

* * *

Оёқ қаварса — қўрда пиширилган пиёз қайнатмаси билан ювилса кетади.

* * *

Жигарда тош бўлса — қулупнайдан кунига олти маҳал истеъмол қилинсин.

* * *

Йўтал (хириллаш) — кунига уч маҳал бир ош қошиқдан турп шираси ичилсин.

* * *

Бош оғриғи — янги узилган карам баргларини чаккага, бўйинга, пешонага босиш керак.

* * *

Миокард инфаркти — касалликнинг дастлабки кунлари сабзи шираси жуда фойдали.



# УЙҒОНАЁТГАН ОЛАМ

*Узоқлашиб бораётир қиш,*
*Ичларимга ютаман «оҳ»ни,*
*Далаларда сурур, оройиш,*
*Кўзларимга тутдим гиёҳни.*

**Гулчеҳра РАҲИМОВА**

*Миттигина майса жонида*
*Янги куннинг нафаслари бор.*
*Тўлқинларнинг ҳаяжонида*
*Қирғоқларнинг ҳаваслари бор.*

*Қушлар саси, дарёлар саси,*
*Йўллар очиқ дунёлар кенгдир,*
*Бу кунларнинг ҳар бир лаҳзаси*
*Бир фаслнинг бахтига тенгдир.*

## САБР

*Агар қадамларинг бўлса муқаддас,*
*Бу қадар узайиб кетмасди йўллар.*
*Юрак ўз-ўзича тушмас эди паст,*
*Чангаллаб келмаса тўрт ёқдан йўллар.*

*Қаерга интилдинг, одим ташладинг,*
*Сен билан қолдими бир собит фикр?*

*Маҳзун дунёларда кулиб яшадинг,*
*Бўлса кутиш — умр — кўникиш умр.*

*Чидадим барига — армонларига*
*«Сабр, сабр» дея ўтинган юрак.*
*Келмади турналар карвонлари-ла*
*Буюк ишқ — мен излаб етмаган эртак.*

# ОНА

*Муқаддас онасан, буюк онасан,*
*Ҳаётнинг чироғин ёқиб ёнасан.*
*Оиланг таянчи, қалқонидирсан.*
*Ширин фарзандларинг посбонидирсан.*

*Мунислик, латифлик камолинг сенинг.*
*Жаҳоннинг тинчлиги — жамолинг сенинг.*
*Эзгулик таратган суюк зиёсан.*
*Ақл тимсолисан, доniш-доносан.*



**Қамбар ОТА**

*Юртнинг жони жодир азиз жонингда.*
*Меҳринг ўти ёнар тандир нонингда.*
*Ватаннинг севгиси пок виждонингда.*
*Муҳаббат қуёши хонумонингда.*

*Қалбингнинг нурисиз дунёдир ғариб,*
*Кулмасанг коинот қолади қариб.*
*Оламни йўргаклаб ёшарган она,*
*Бахтингдан жаҳонни яшнатган она.*

## МАРДИМ ОТАМ

*Ўта мардим отам кетди,*
*Саховатда Ҳотам кетди.*
*Саксонидан сакраб ўтди,*
*Худо берган одам кетди.*

*Тайин инжа уйим деди,*
*Энг охирги тўйим деди.*

*Меҳмон айлаб суюнг деди.*
*Суйдик, бахти бекам кетди.*

*Бурчимизни адо қилдик,*
*Дилда эзгу дуо қилдик.*
*Севгимизни садо қилдик.*
*Садоқатда бардам кетди.*

*Кўрдик, шундай замон келди.*
*Яхши келди, ёмон келди.*
*Уруғ-аймоқ туман келди.*
*Иймони хотиржам кетди.*

*Муҳлати ё тўлганмикан.*
*Жаннати нақд бўлганмикан.*
*Мангулиги кулганмикан,*
*Елкаларда илдам кетди.*

# ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

**Маслаҳат № 1**

Оёғингиз остига қараб юринг. Бирор нарса топиб олмасангизда, қопқоғи очиқ қолган қувурга тушиб кетмайсиз.

**Маслаҳат № 2**

Ароқнинг суви кўп бўлса, қайнатиб ичинг. Қайнатилган ароқда микроб бўлмайди.

**Маслаҳат № 3**

Олган қарзни ишлатиб бўлгач, эгасига қайтариб беринг. Бўлмаса эгасини йўқотиб қўйишингиз мумкин.

**Маслаҳат № 4**

Яшашдан ноламанг. Сизда яшаш истаги бўлса, албатта яшашни ўрганинг.

**Маслаҳат № 5**

Миш-мишларга ишонаверманг. Кўрмаганингиздан кейин эшитишнинг нима кераги бор.

## ШОВ-ШУВ

● Биринчи марта театрга битта ҳам томошабин кирмади. Худди шу куни саҳнага битта ҳам актёр чиқмади.

● Куппа-кундуз куни бозорнинг қоқ ўртасида жабрланувчи йўқолиб қолди.

● Биринчидан иккинчига ўтар кечаси эртага бўлган ишончини йўқотиб қўйди.

# АЧЧИҚ-ЧУЧУК

У ҳар куни курсисидан хабар олиш учун ишга келарди.

* * *

Мен сизга гапираман деб чойим совуб қолди.

* * *

Ўзи тўнка бўлса-да, томири бақувват.

* * *

У ҳали ёш, ҳаммаси олдинда, лекин ўзи орқада қолиб кетган.

* * *

Ишга қанча кеч қолиб келсанг, шунча эрта қайтасан.

* * *

Ўлчаб-ўлчаб кесадиган жойини тополмай жони ҳалак.

* * *

Умрни соат билан ўлчаб бўлмайди.

* * *

Балиқ ҳам сувга чўкаркан-да, а?

* * *

Юз йигирма кило тош боссам-да, бошлиқ нуқул енгилсиз дейди.

* * *

Унинг кўнгли кенг, адашиб кетишинг ҳеч гап эмас.

* * *

Қарз олсанг ҳам санаб ол.

## АКСИОМА

Одамлардан кам жойим йўқ. Одамлар ҳам мендан кам эмас.

Эркак аёл учун энг яхши совға.

Келажак келмайди, унга қараб бориш керак.

Янги супургининг иши ҳам янгича бўлади.

Ақлли бўлиш учун бир марта бўлса-да ақлдан озиш керак.

*Илҳом ЗОЙИР*

# «НЕГАДИР ШОХИМ ЧИҚМАЯПТИ»

Савол: Кимни бўйдоқ дейиш мумкин?
Жавоб: Ҳеч кимдан қўрқмай уйқусида бемалол гапиравéрадиган йигитни.

* * *

Эртага қўшнимизникида тўй. Қизини эрга бераяпти. Айтишларича, куёв башоратгўй экан.
— Нима нима бўлгани-ю, нима бўлишини айтиб бераолармикан?
— Қаёқда. Шунақа бўлганда, келиб-келиб шу қизга уйланармиди.

* * *

Онаси қизига насиҳат қилаяпти:
— Менимча, қизим, шу йигитга турмушга чиқаман, деб ўйламай иш қилаяпсан-да.
— Ойижон, ахир ўзингиз ҳар доим «бу ҳақда ўйлашингга ҳали эрта», дердингиз-ку!

* * *

ЗАГС идорасида куёвдан сўрашаяпти:
— Фалончи Писмадончиевани ўз никоҳингизга олишга розимисиз?
— Йўқ-йўқ, рози эмасман!
— Унда нега шу пайтгача бу ҳақда лом-мим демадингиз?
— Шу пайтгача мендан бу ҳақда ҳеч ким сўрамовди-да.

* * *

— Уғлим, энди сен кап-катта йигит бўлиб қолдинг. Ойинг билан менга оз-моз ёрдам бериб турсанг бўлармиди, — деди ота.
— Бўпти-да, дада. Қани, нима қилишим керак?
— Ҳеч бўлмаса болаларинг учун алиментни ўзинг тўлаб тур.

* * *

— Азизам, айтингчи, мендан олдин ҳам бирорта йигитни севганмисиз?
— Тавба, сиз йигитларга ҳайронман. Ҳаммангиз бир хил савол бераверасизлар-а!

* * *

— Дўхтиржон, ёрдам беринг. Хотиним менга хиёнат қилади, лекин негадир шохим чиқмаяпти.
— Э, оғайни, бу кўчма маънода айтилган гап, аслида шох чиқмайди.
— Хайрият-эй, мен бўлсам, «витамин етишмаётганмикан», — деб ўйлабман.

* * *

— Яхши қиз, сизни ўпсам майлими?
— Нима, жинни-пинни бўлганмисиз?
— Лекин анови йигит ўпди-ку.
— Мен сизга айтсам, у сизга ўхшаб латта чайнаб ўтирмасдан, дарров ишга киришиб қўя қолади.

*Д. ИБРОҲИМОВ*

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Муассисларимиз:
Узбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Телефонлар:
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

Шиоримиз:
Оила - жамият фахри

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти -20.00
Босишга топширилди - 20.30

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 031
29711 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Раҳмон ҚОДИР